



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Конституция сабоқлари



Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 5-умумтаълим мактабида ёшларнинг ҳуқуқий билимини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Қонунимиз — қомусимиз» мавзуда ташкил этилган тадбир ҳам Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланди. Тадбирда Конституциямиз, унда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари мустақкам қаролатилгани, ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши борасидаги ҳуқуқий асослар ҳақида ўқувчиларга кенг тушунча берилди.

СУРАТДА: ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Мавжуда Норбошева ўқувчилар билан.

ЎА фотомухбири Фарход АБДУРАСУЛОВ олган сурат.

Сўз — халқаро кузатувчиларга

Евгений СЛОБОДА: Ўзбекистонда сайлов кампанияси қонун доирасида, халқаро стандартлар бўйича очиқ ва ошқора ўтмоқда

Мамлакатимиз, халқимиз муҳим сиёсий воқеа арафасида турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. Шу кунларда бутун дунёни нигоҳи Ўзбекистонга қаратилган, десак муболаға бўлмайди. Ушбу сайловни кузатиш учун халқаро кузатувчилар, халқаро ташкилотлар вакиллари, етакчи экспертлар мамлакатимизга келмоқда. ЎА мухбири МДХ Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи Евгений СЛОБОДА билан суҳбатлашди.

— Ўзбекистонда Президент сайлови доир қонунчилик асослари такомиллаштирилиб, фуқароларга енгиллик яратиш мақсадида маълум ўзгариш ва қўшимчалар киритилганидан хабардоримиз, — деди Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи Евгений Слобода. — 2015 йил декабрда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ сайловдоги ташвиқоти олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари янада аниқлаштирилган. Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлмайдиган сайловчи мундан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди. Қонунда сиёсий партияларнинг сайловда қатнашиши, ўз номзодини қўллаб-қувватлаши учун қўшимча имкониятлар белгиланди. Президентликка кўрсатишган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг беш фоизидан бир фоизга қисқартирилди.

Ўзбекистонда ўтган парламент ва Президент сайловларида кузатувчи сифатида қатнашганмиз. Ўзбекистондаги сиёсий тадбирларда аҳолининг фаоллиги тобора ошиб бораётганини кузатмоқдамиз. Бу уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалигидан далолатдир.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича сайловдоги ташвиқотлари ўтказилгани, кенг миқёсда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун, унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, сайлов кампаниясининг мазмун-моҳияти тушунтирилгани, мавзуга оид тарғибот тадбирлари, давра суҳбати, семинар, учрашув ва конференциялар ташкил этилгани, оммавий ахборот воситалари орқали мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилиб борилаётгани, турли тарғибот материаллари тарқатилганини алоҳида қайд этмоқчиман. Биргина мисол: сайловдоги ташвиқотларига доир 100 мингдан ортиқ плакат жамоат жойлари, транспорт воситалари, сайлов участкалари, одамлар гавжум ҳудудларга жойлаштирилган. Оммавий ахборот воситалари томонидан эълон қилинган материаллар ҳам фуқаролар сиёсий маданиятини оширишга ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ушбу сайлов жараёнида ҳам намоён бўлмоқда. Қаранг, округ сайлов комиссияларининг 152 аъзосидан 56 нафари хотин-қизлардир. Уларнинг 12 нафари сайлов комиссияларида раҳбарлик қилмоқда. Участка сайлов комиссиялари таркибида хотин-қизлар 47,4 фоизни ташкил этади. Ўзбек хотин-қизлари сиёсий ҳаётда дунёнинг бошқа қўллаб-давлатлари ҳавас қилгулик даражада фаол.

Сайловдоги ташвиқотлари, умуман, сайлов билан боғлиқ жараёнларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ролини жуда юқори баҳолаймиз. Яқинда Марказий сайлов комиссиясида барча сайлов комиссияси аъзолари иштирокини таъминловчи видеоконференция ташкил этилди. Бу ҳам очиқлик ва ошқораликни қарор топтиришдаги энг самарали усуллардан бири. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялардан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашди. Бошқа томондан, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, етакчи ахборот агентликлари, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзолангани бу йилги сайлов кампаниясини ҳар томонлама ҳолис ёритишда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур йўналишда миллий оммавий ахборот воситалари орқали 10 мингдан ортиқ материаллар эълон қилинган эътиборга молик. Оммавий ахборот воситалари сайловдоги ташвиқотда барча номзодлар учун тенг шароит яратиш, ҳаққонийлик ва холисликни таъминламоқда.

Бир неча вилоятларда, қўллаб сайлов участкаларида бўлди. Кузатувчиларга асосланиб ишонч билан айтишим мумкинки, мамлакатимизда сайлов кампанияси қонун доирасида, халқаро стандартлар бўйича очиқ ва ошқора ўтмоқда. Сайловчиларнинг Президентликка номзодларнинг дастури билан танишиши, ўзлари хоҳлаган номзодга овоз бериши, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши учун барча шароитлар яратилган.

ЎА мухбири С.АЛИЖОНОВА ёзиб олди.

САЙЛОВ — 2016

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида 2016 йил 28 ноябр кун Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов сайловни ёритиш учун мамлакатимизга келган Россиянинг етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Россия оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув

Марказий сайлов комиссияси раиси журналистларни сайлов комиссиялари томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси доирасида амалга оширилган ишлар билан таништирди.

Учрашувда Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимида Президентлик институти асосий ўрин тутгани алоҳида таъкидланди. Конституцияда мустақамлаб кўйилганидек, Президент давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг қилинган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунчиликка 2015 йил декабр ойида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сайлов амалиётини янада такомиллаштиришга, фуқароларнинг сайловда эркин иштирок этиши учун шарт-шароитларни кенгайтиришга, Президентликка номзодларга сайловдоги ташвиқоти даврида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

Сайловнинг очиқлиги ва ошқоралигини, журналистларнинг сайлов кампаниясига таллуқи ахборотлардан кенг фойдаланиши таъминлаш мақсадида Президент сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва округ сайлов комиссияларининг матбуот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан бүгунги кунга қадар сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган юзга яқин матбуот анжумани ва брифинг ўтказилди. Марказий ва округ сайлов комиссиялари томонидан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 1 миңг 306 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди.

Сайлов кампанияси эълон қилинганидан бошлаб шу кунга қадар мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларида 15 миңг 845 та материал эълон қилинди.

Тадбирда Россия оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Б.БОЗОРОВ, ЎА мухбири

Хатамжон Кетмоновнинг Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов 28 ноябр кун Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Видеоконференция шаклида ташкил этилган учрашуви Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты А.Қирғизбоев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили А.Тошматов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Сирдарё вилояти ўзининг юқори иқтисодий ва ижтимоий салохияти, географик жойлашуви билан мамлакатимиз тараққиётида ўзига хос муҳим ўрин тутди. Биринчи Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган илҳом ислохотлар самарасида мустақиллик йилларида вилоятда ана шу салохиятини янада ошириш йўлида катта ютуқлар қўлга киритилди. Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 2010 йилдан буён 1,6 баробар ошди, кейинги беш йилда унинг таркибда саноат маҳсулотлари 1,6 марта ўсди. Бу борада айниқса, Биринчи Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Жиззах» эркин иқтисодий зонасининг Сирдарё филиали катта аҳамият касб этаётди.

Дастурда мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосида ўсиб бораётган иқтисодий салохиятидан келиб чиқиб, аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатлами турмуш даражасини яхшилашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчанлик ролини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликнинг катта қизиқишига сабаб бўладиган масалалар бўйича қарор қабул қилишдан аввал ушбу масалалар юзасидан жамоатчилик маслаҳатлашувлари ўтказишнинг мажбурийлигини белгилаш, «Кексаларимиз учун муносиб пенсия таъминоти!», «Биз кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулимиз!» широрлари негизда мамлакатимиз равиқна, улайиб келаётган ёш авлодга овоз ва обод Ватан қолдириш борасидаги ишларга ўз ҳиссасини қўшган кекса авлоднинг турмуш шароитини янада яхшилаш гоёси илғари суринган.

Ўқиш учун шартнома пулларини тўлашга қийналаётган кам таъминланган оилалар фарзандларининг шартнома пулларини тўлаётган қорхоналари, юртимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни рағбатлантириш бўйича устувор вазиқалар белгиланган.

Учрашувда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Сирдарё тумани кенгаши раиси М.Аҳмедов, партия Гулистон тумани кенгаши раиси М.Мамакаримова, Сирдарё тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлини мудирини ўринбосари Ш.Йўлдошева ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури ва унда белгиланган вазиқалар хусусида фикр билдириди. Сайловчиларни Ватанимиз келажакни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

ЎА

Наримон Умаровнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 28 ноябр кун Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.

Видеомулоқот шаклида ташкил этилган учрашуви Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Тошкент вилояти кенгаши раиси Р.Толипов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили М.Бердиқулова йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.


Биринчи Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самарасида Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий салохияти юксалди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг қарийб 15 фоизи, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 12 фоиздан ортиғи, иқтисодий таъминотга жалб этилаётган инвестицияларнинг таъминот 10 фоизи, ялпи ички маҳсулотнинг 9,7 фоизи аини шу вилоят ҳиссасига тўғри келмоқда.

Наримон Умаров сайловчиларни ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишлари билан таништирар экан, унда илғари суринган гоёлар «Адолат» социал-демократик партиясининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, маънавий ва ахлоқий етуқ адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги дастурий мақсад ва вазиқаларга асосланганини таъкидлади.

Инвестиция тақлифларини чуқур ўрганиш ва инвесторларнинг ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги техника ва технологияларни киритиш, рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларини қатъий назоратга олиш асносида қорхона ва муассасаларни босқимча-босқим хусусийлаштириш сиёсатини давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Л.Қошелопова, Тошкент вилояти кўп тармоқли марказий шифохонаси бош шифокори Б.Қосимов, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати К.Ҳамидова, «Тўйтепа Агро Макс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари У.Шоумаров, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти капитал қурилиш дирекцияси режалаштириш бўлими етакчи мутахассиси Е.Аблаева ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури хусусида фикр билдириб, сайловга тайёргарлик жараёни миллий қонунчилигимиз ва умумэтироф этилган халқаро нормаларга мувофиқ ўтаётганини таъкидлади. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабр кун бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

ЎА



Ёшлар сайловда фаол қатнашади

>> 3



Етти ёшли чемпион

>> 4

БУГУННИНГ НАФАСИ

Касаба уюшмаси ёрдамга келди

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муносабат қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган. Мазкур тамойил асосида қабул қилинган қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ҳам ушбу қоида мустаҳкамланган.

Хусусан, 2014 йил декабр ойдан кучга кирган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий асос эканлиги билан аҳамиятлидир.

Шундай қонуний асос ва кафолатлар туфайли фуқаролар ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, тегишли идораларга ариза, таклиф ва шикоятлар билан муносабат қилишмоқда. Ушбу муносабатлар қонунда белгиланган вақтда тегишли тартибда кўриб чиқилаётди.

Анджон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига жорий

Мурожаатлар назоратда

йилнинг 9 ойи давомида фуқаролардан 160 та мурожаат келиб тушган.

— Ҳар бир шахс қонунда белгиланган тартибда тегишли идораларга ёзма ва оғзаки мурожаат қилиши мумкин, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг юридик бўлими мудири Ҳабибулло Усмонов. — Оғзаки мурожаат ёзма тарздаги мурожаат билан бир хил

аҳамиятга эга. Шу боис бирлашма-мизда раҳбар ва масъул ходимларнинг фуқароларнинг қабул қилиш тартибини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Утган йили ана шундай қабул қилиш тартибини яқин орада яна яқинлаштириш режалари ҳақида муносабат қилиш мумкин, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг юридик бўлими мудири Ҳабибулло Усмонов. — Оғзаки мурожаат ёзма тарздаги мурожаат билан бир хил

датларда ўрганилиб, мурожаатчиларга жавоб қайтарилди.

Бундан ташқари, бирлашма раиси ва раис ўринбосарининг сайёр қабуллари ташкил этилиб, фуқароларнинг бандлиги ва ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ мурожаатлари тегишли бўлимлар томонидан кўриб чиқилмоқда ва ижобий ҳал этилмоқда. Жумладан, Олтинкул туманида ўтказилган

сайёр қабулда тумanning «Иттифоқ» маҳалласида яшовчи Раҳманбек Ортиқов ва «Янгилик» маҳалласида яшовчи Абдуманнон Қамбаровнинг вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси автокорхонаси ҳайдовчилигидан бошқа ишга ўтказилганлигидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганилиб, улар яна ўз иш жойига тикланди.

Фуқароларнинг бирлашмага келиб тушган ариза ва шикоятлари таҳлил қилинганда, асосий қисми ишга жойлаштириш, сиҳаттоғга йўлланма, моддий ёрдам, нафақа каби масалалар билан боғлиқлиги кўзга ташланди. Мисол учун, Анджон шаҳар «Ишчилар» кўчасида яшовчи Эркинжон Умаровнинг ногиронлик аравачасига эҳтиёжи борлиги ҳақидаги мурожаати қаноатлантирилди.

**Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
Анджон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий назорат бўлими мудири**

Меҳнат муҳофазаси

Кафолатлар янада ортади



Мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланишига эътибор йилдан-йилга ортиб бораётди. Бандлик дастури доирасида минг-минглаб янги иш ўрни яратилган бунинг исботидир.

Айниқса, жорий йил қабул қилинган янги таҳрирдаги «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унга кўра касаба уюшма ваколатлари кучайтирилди. Соҳа вакили меҳнат муҳофазаси қилишга оид талаблар бузилишини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига таклиф киритиши, улар зиммасидаги мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиши кафолатланди.

«Деҳқонobod калийлий ўғитлар заводи» УК ҳамда Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан касаба уюшма фаоллари учун мамлакатимизда меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштириш масалаларига бағишланган семинарда бу ҳақда атрафлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Унда соҳага оид қонунчиликни янада кучайтириш, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Конвенцияларини ҳаётга татбиқ этишга оид жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида»ги қонунлар фаолият учун янги қонун-қирраларни очиб бериши алоҳида таъкидланди.

Мазкур ҳужжатларда касаба уюшма фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада кучайтирилди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар, ҳунармандлар ва бир мартали ишда банд шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ бирлашиш эркинлиги кафолатлари мустаҳкамланди. Яқка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимларга ҳам касаба уюшмаларига қўшилиш ҳуқуқи берилиб, хусусий секторда меҳнат қилувчи шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самардорлиги учун янада кенг имкониятлар берилди.

Бу каби ҳуқуқий асослар ижтимоий меҳнат соҳасида касаба уюшма фаолияти эркинлиги кафолатларини мустаҳкамлаши билан бир қаторда, соҳада қонунийликни таъминлаш ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Тадбир асноси касаба уюшма фаолларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

**Баҳром ҚУВБАТОВ,
Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси**

Фойдали мулоқот

Жиззахда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўлими томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Меҳнат муҳофазаси ва sanoat хавфсизлиги» мавзuida семинар ташкил этилди.

Унда сўзга чиққан ўзКУФК меҳнат муҳофазаси бўлими етакчи мутахассиси Нурулло Дадажонов Бош келишув барча соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари қатори меҳнат муҳофазаси қилиш ва хавфсиз иш ўринларини таъминлашда муҳим ўрин тутаётганлигини таъкидлаб ўтди. Соҳадаги ишларни янада тақомиллаштириш мақсадида Меҳнат вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан «Меҳнат шариоитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015 — 2016 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури» тасдиқланиб, амал қилмоқда.

Эътироф этиш жоизки, ижтимоий ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш мақсадида Жиззах вилоятида ҳам тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи шакллантирилиб, изчил фаолият олиб борилаётди. Бунда қорхона ва ташкилотлардаги меҳнат шариоитларини баҳолаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олиш, меҳнат муҳофазасини тарғиб қилиш ва ахборот таъминоти алоҳида аҳамият берилаётди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўлими мудири Абдурауф Сангиловнинг айтишича, ишчи гуруҳ томонидан меҳнат шариоити ва муҳофазасини яхшилашга қўйиб бериладиган меҳнат шариоити ва муҳофазасининг келиб чиқиши сабаблари мониторингини олиб бориш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тақлиф ҳам ишлаб чиқилаётди. Бунда касб касалликларига чалинмаслик ва унинг олдини олиш борасидаги тадбирлар жамоа шартномалари ҳамда уларнинг меҳнат муҳофазаси битимларига киритилаётгани аниқ мудоао бўлмоқда.

Шунингдек, семинарда вилоят меҳнат бошқармаси бош техник инспектори С.Мирзакаримов, «Саноатгеоконттехназорат» ҳудудий инспекцияси инспектори Б.Раҳимов, Жиззах давлат педагогика институтини меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси М.Ибрагимов сўзга чиқиб меҳнат муҳофазаси қилишда жамоатчилик назорати, меҳнат муҳофазаси қилиш бўйича вакил фаолигини ошириш, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда соҳага оид муаммолар ечими борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олишди.

Семинар қатнашчилари, шунингдек, «Jizzax plasteks» қорхонасида бўлиб, меҳнат шариоити ва меҳнат муҳофазасига оид ишлар билан танишдилар.

Қайд этиш жоизки, вилоятда пахтани қайта ишлаб, ярим тайёр ва тайёр маҳсулот чиқараётган қорхоналар сафи ортиб бораётгани ҳудуднинг экспорт имкониятини кенгайтирмоқда. «Jizzax plasteks», «Nargiza teks», «Jizzax kenteks», «Rustek investproducts», «Zarina teks» каби қорхоналар шулар жумласидандир.

**Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири**

Давра суҳбати

Долзарб мавзуга бағишланди

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан норасмий бандликни чеклаш бўйича жорий йилга мўлжалланган чора-тадбирлар ижросига алоҳида эътибор қаратилапти.

Шу мақсадда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг масъул ташкилотчиси Ҳ.Эшонқулов ташаббуси билан Кармана туманидаги «Гўзал ҳазора оқшоми» ва «Навоий Агро Нур» МЧЖлари ҳамда «Ишонч-гилем» қўшма қорхонасида «Норасмий бандликни чеклаш ва расмий бандликнинг афзалликлари» мавзuida давра суҳбатлари ўтказилди. Унда қорхона раҳбари, ходимлар ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этди.

**Ҳиммат ИСЛИКОВ,
тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Навоий шаҳар кенгаши раиси**

Ходимлар ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан жойларда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзuida семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиб келинмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Бахт шаҳридаги ўқил болалар мадраса коллежида ўтказилди. Унда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Алижон Маррасуллов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари Бозорбой Исमतлов, Санжар Тоғаевлар сўзга чиқиди.

Семинар аввалида 4 декабр куни бўлиб ўтadиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонунчилик хусусида тўхталиб, сайловда фаол иштирок этиш ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчи эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, меҳнат муҳофазасига оид, Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенциялари, меҳнат қонунчилиги, одам савдоси ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунлар ҳамда Конституциямиз мазмун-моҳиятига бағишланган маърузалар тингланди.

— Ҳақ-ҳуқуқини билган ҳеч қачон адашмайди, — деди коллеж директори Қаҳрамон Маҳмудов. — Келгусида ҳам ана шундай учрашув ва семинарларни тез-тез ўтказиш ниётидамиз. Тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Ширинхон УМАРАЛИЕВА,
Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири**

Қишлоқда sanoat



Бир оғиз сўз қорхона етакчиси ҳақида. Мизроб Ихтиёров хали қирқ ёшга ҳам тўлмаган. Таржимаи холи ҳам оддий. Қишлоқда ўрта мактабни битириб, Бухоро давлат университетиде таҳсил олди. Дастлаб қишлоқ хўжалик, кейин эса иқтисодиёт факультетларини битирди. Меҳнат фаолиятини Бухоро технологик мосламалар фабрикасида уста ёрдамчилигидан бошлади. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилганидан фойдаланиб, 2002 йилда «Шижоат-Текстил-Маш» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Дастлаб 5-6 ходим мошлатирилган бинода оддий технологиялар асосида фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда мавжуд цехларда замонавий ўров, тўқув, тикув ва бўяш дастгоҳлари ҳамда машиналари ўрнатилган. Меҳнат қилаётганларнинг аксарияти қишлоқ ёшлари, коллеж битирувчилари.

— Жамоамизнинг тараққиёт босқичига дадил қадам билан кириб боришида «Усаноаткурлишбанк»нинг Бухоро шаҳар, «Тўқимачилик» филиали томонидан ажратилган кредитларнинг ўрни самарали бўлди, — дейди қорхона директори ўринбосари Уктам Турсунов. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори қорхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони туфайли имконият эшиклари янада кенгроқ очилди. 2008-2012 йиллар мобайнида банкдан берилган 530 млн. сўмлик кредит маблағлари ўз вақтида қайтарилди. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш баробарида унинг сифати кескин яхшиланишини ҳам таъминлади. Бошқача

Жондор туманидаги «Шижоат-Текстил-Маш» масъулияти чекланган жамияти экспорт қорхоналар сафида муносиб мавқега эга. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган 20 турдан ортиқ сочқиларга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда. Қишлоқ жойида бундай sanoat қорхонасини ташкил этиш, маҳаллий мутахассислар ва ёшлар иштирокида ишлаб чиқаришни рақобат майдонига мос равишда олиб кириш осон иш эмас. Кези келганда, буни уйдалай билган ёш раҳбар Мизроб Ихтиёровнинг билими, салоҳияти, тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.


Қорхона маҳсулотлари — экспортга

айтганда, сўнгги уч йил давомида жамоамизда 6,477 млрд. сўмлик маҳсулот тайёрлаш ва уни реализация қилишга эришилди.

Яна бир муҳим жиҳат: 2013—2015 йилларда қорхонада ишлаб чиқарилган 1,103 минг долларлик маҳсулот хорижда — Россия Федерациясига сотилди. Даромадлар вазирлиги Туркиядан замонавий бўяш ускунаси, Хитойдан 8 та сўнгги русумдаги тўқув дастгоҳлари харид қилинди. Шунингдек, жамоа касаба уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда ёшлар учун 8 та янги ишчи ўрни яратилди. Қорхона ҳудудида қуриш-монтаж ишлари бажарилиб, ободонлаштирилди. Жамоада меҳнат қилаётган 108 нафар ишчи-ҳодимга қулай меҳнат ва дам олиш шариоити ҳозирланди. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатдорлиги оширилди.

«Шижоат-Текстил-Маш»да меҳнат қилаётган ходимларнинг салкам 70 фоизи ёшлар бўлиб, келгусида уларнинг сафи янада кенгайиши учун барча имкони-

**Иzzатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири**



Етакчи минбари

Меҳнат, масъулият ва самара

Жамоа шартномасида, биринчи галда, ишчи-ҳодимлар манфаати эътиборга олинади. Бинобарин, ушбу ҳужжат ижросининг назорати маъмурият билан касаба уюшма ташкилоти зиммасига катта масъулият юклайди. «Тахиятош ИЭС» АЖда муваффақият ишчиларга қулай меҳнат шариоитини яратишдан бошланади, деган ақидага қатъиян риоя қилинади.

Ишлаб чиқаришда жароҳатланган, касб касалликларининг олдини олиш, ходимларни вақтида тиббий қўриқдан ўтказиш, хавфсиз меҳнат шариоитини яратиш мақсадида иш жойлари мунтазам равишда аттестациядан ўтказиб борилади. Ишчилар махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган.

Ойлик иш ҳақи, устама, мукофот ва компенсациялар тўлаш, қўшимча таътирлар бериш жамоа шартномаси доирасида белгиланган тартибда ва микдорларда амалга оширилади. Жум-

ладан, кўп навбатли иш жараёнида фаолият кўрсатадиган ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча 4 иш кунини таътиль жорий қилинган.

Хотин-қизлар учун муносиб ва қулай иш шариоити яратиш, уларга ҳамхўрлик кўрсатиш борасида қорхонамизда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Икки ва ундан ортиқ 12 ёшгача ҳамда 16 ёшгача ногирон фарзанд тарбиялаётган 30 нафар аёлга иш ҳақи тўланадиган қўшимча 3 таътиль кунини берилади.

Ишчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида турли танлов-

лар уюштириш йўлга қўйилган. Тадбирларда ходимлар оила аъзоларининг иштирокини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилаётди. Қорхонамиз маданият уйи, ёпик спорт майдончаси ишчилар ихтиёрида. Ёш мутахассислар ўртасида «Энг фаол ёш нурчи», кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга ходимлар ўртасида «Ўз касбининг моҳир эгалари» курик-танловлари анъанавий тарзда ўтказилиб, голиблар рағбатлантириб борилади.

Байрамларда ишлаб чиқариш илгорлари, уруш ва меҳнат фахрийлари кўнглини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, Хотира ва кадрлар кунини муносабат билан уюштирилган тадбирда олти нафар ходимга қорхона ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди.

касаба уюшма кўмитаси ҳисобидан савғалар берилди.

Жамоа ўртасида уюштириладиган спорт мусобақаларига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Жумладан, Халқаро хотин-қизлар кунини ва Мустақилликнинг 25 йиллик байрами муносабати билан ташкил этилган мусобақалар барчада катта тасарруф қолдирди.

Ишчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга эътибор қучайиб борапти. Утган даврда ходимлар ва яқин қариндошлари учун санитарийларга 16 та йўлланма ажратилди. Бундан ташқари, ёзги таътилда эллик нафар болақоннинг сўлим оромгоҳлар қучоғига мириқиб дам олиши таъминланди.

Фаолиятини янада кучайтириш мақсадида 2017 — 2019 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасини қабул қилишга алоҳида аҳамият берилади. Унда бир минг саксон олти нафар ишчи-ҳодимнинг манфаатларини тўлақонли ҳимоялаш кўзда тутилган.

**Нурилла АБДУЛЛАЕВ,
«Тахиятош ИЭС» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси**

Сайлов — 2016

Маълумки, жорий йилнинг 4 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Ушбу муҳим сиёсий тадбирда юртимиз тараққиёти, тинчлиги ва барқарорлиги учун масъулият ҳиссини сезаётган ёшларнинг ҳам фаол иштирок этиши кутула- япти. Сайловда илк бор қатнашадиган ёшларга ЎЗКУФК мута- хассислари томонидан сайлов қонунчилиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида тушунтиришлар бериб берилмоқда. Муҳбирларимиз ана шундай ёшлар фикри билан қизиқди.

Ёшлар сайловда фаол қатнашади

Нозима НЎМОНЖОНОВА, Фаргона ҳуқуқшунослик коллежи ўқувчиси:

— Яқинда маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари оила аъзоларимизга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун тақлифномалар бериб кетишди. Бобом, дадам, онам, акам қаторида мен ҳам тақлифнома олдим. Маълумки, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунда 18 ёшга тўлган фуқаролар мамлакатимиз Президенти сайлашда қатнашиш ҳуқуқига эга экани белгилаб қўйилган. Мен 7 октябр куни 18 ёшга тўлдим. Сайловга тақлифномани кўлга оларканман, улгайганим, мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан тўла фойдаланишим мумкинлигини, айна пайтда шу муқаддас Ватанимиз, она халқимиз келажаги олдида масъулият ва бурчларим ҳам пайдо бўлганини ҳис этдим. Менинг овозим ҳам аҳамиятга эга экани, миллионлаб фуқароларимиз хоҳиш-иродаси билан бирга буюк келажақни яратишда иштирок этишини тушуниб етдим.

4 декабр куни, албатта, шахсан сайлов участкасига чиқиб, ўзим танлаган номзодга овоз бераман. Барча тенгдошларимни сайловда онгли равишда ва фаол қатнашишга чорлайман. Зеро, бу Ватан олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Шерзод РЎЗИЕВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Ешлар кенгаши аъзоси:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам санокли кунлар қолди. Муқобиллик асосида ўтказилаётган мазкур сайловга тайёргарлик жараёнида, номзодларнинг тарғиб-бот-ташвиҳот ишларида демократик тамойилларга амал қилинмоқда. Бунга намойиш этилаётган мавзуга оид кўрсатувлар, ўқув юртлири, маҳаллаларда ўтаётган тадбирларда ҳам ғувоҳ

бўлиш мумкин. Тадбирларда сайловчининг масъулияти, овоз бериш тартиби, овозларни санаш жараёни қандай кечиши тўғрисида маълумот берилаёттири. Мамлакат келажаги учун ўзи танлаган номзодга овоз бериш ҳар бир ватанпарвар фуқаронинг муқаддас бурчидир. Шу боис барча номзодлар дастурини синчиклаб ўрганиб чиқдим. Уларнинг сайловолди тарғиботини диққат билан кузатиб бораёганман.

Сайлов куни ўз фуқаролик позициядан келиб чиқиб, аввало, тинчлик-хотиржамлик, барқарор тараққиёт, нурули келажагимиз учун овоз бераман. Ўлайманки, юртимиз тақдирига берафқ бўлмаган ҳар бир тенгдошим бу муҳим жараёнда фаол иштирок этади.


Намуна ХОЛБЕКОВА, Бешариқ тумани:

— Маълумки, сайловлар юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутати. Унда иштирок этиш фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқи бўлиши билан бирга, ватанимиз истиқболли олдидаги масъулиятли бурчи ҳамдир. Жорий йил ана шундай муҳим сиёсий тадбирда иштирок этишимдан фахрланаман.

Мамлакатимизнинг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда: «сайлов кунига қадар ёки сайлов кунига 18 ёшга тўладиган, тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилиш ҳуқуқига эгадирлар», деб белгилаб қўйилган. Мазкур ҳуқуқимдан фойдаланиб, муносиб номзодга овоз бераман.

Наргиза МАМАНОВА, Кармана туманидаги «Обод турмуш келажаги» фермер хўжалиги раҳбари:

— Юртимизда тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини кенг ривожланти-



риш, ушбу фаолият учун зарур шарт-шароит яратиб бериш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам бу жараёнда фаол иштирок этаёттири. Конституцияимизнинг 7-моддасида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экани эътироф этилади. 4 декабр куни бўлиб ўтадиган сайлов халқимизга конституцион ҳуқуқини амалга ошириш, мамлакатни янада тараққий эттиришнинг келгуси йўллари белгилаш имконини беради. Ўз ҳуқуқимдан фойдаланиб, келажагимиз учун муҳим бўлган бу сиёсий жараёнда иштирок этаман. Фермерлик, тадбиркорлик ҳаракатининг ривож, миллий кадриятларни асраб-авайлаш, ижтимоий ҳимоя, кунун устуворлиги, миллатлараро дўстлик учун овоз бериши ўз бурчим деб биламан.

Шерзод РАҲМОНОВ, Пешку туманидаги «Шухрат машсервис» МЧЖ раҳбари:

— 2014 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган «Еш мутахассислар» Республика форумида «Энг фаол ёш тадбиркор» номинацияси ғолиби сифатида тақдирландим.

«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда: «Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва маънавий аҳолига; ирқий ёки миллий мансублигига; жинси, маълумоти, тили, динга муносибати, машғулот тури ва ҳуқуқия ҳолатига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади», дея белгилана қўйилган. Ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга. Мен сайловда технологик тараққиёт, илму-фанга эътибор, демократик кадриятлар ривожини ҳам овоз бераман.

«Онлари соғлом — болалари баркамол Ватан!» республика танловига

Гўзаллик яратаётган кўлар

«ПУФ»НИНГ СИРИ

Қадим замонда етти ўлкада шухрат қозонган бир уста-кулол бўлган экан. Одамлар олис ва яқин қишлоқлардан атайин унинг кўзаларини сотиб олиш учун келишаркан. Кунлардан бирида бир ёш йигит устандан кулолчилик хунарини ўргатишни илтимос қилибди. Уста йигитга лой тайёрлашдан бошлаб, ускунани ишлатиш ва идишларни пишириш жараёнига ўргатибди. Йигит истеъдодли экан, тез орада кулолчиликнинг барча сирини ўзлаштириб, моҳир уста даражасига етибди. Лекин эҳтиром кўрсатиш ўрнига, нонтелкилик қилиб устозининг дўконини ёнида ўзи янги дўкон очибди. Харидорлар эйтиборини тортиш мақсадида кўзалар нархини анчайин туширибди. Бундан унинг бозори қаққон бўлибди.

Аммо маълум фурсат ўтиб, бозори қасодга учрабди. Кутилмаган воқеадан ҳайратланган йигит одамлардан сабабини сўрабди. Улар:

— Сенинг кўзаларинг чидамсиз, тез ёрилиб кетяпти, — деб жавоб беришибди.

Шармисор бўлган йигит устозидан кеҳирим сўрабди: — Ахир кулолчилик хунарини пухта ўзлаштирган эдим. Айтнинг, устоз, хатоим нимада?

— Бир «пуф»да! — жавоб берибди уста. — Сен кулолчилик хунарини пухта ўзлаштирган эдинг. Лекин зоҳиран, арзимас бир нарсага эътибор бермадинг. Мен хом идишларни оловга қўйишимдан олдин пуфлаб, чанг-ғуборини кеткисман. Зеро, хом идишга ёпишган ўша арзимасдек туялган чанг-ғуборлар охири-оқибат кўзаларнинг ёрилиб кетишига сабаб бўлади.

Устоз шармандалиқдан қизариб кетган шогирдига қараб сўзини давом эттирибди:

— Хунарни ўзлаштириш ҳали уста бўлдим дегани эмас. Ўрганиш ва изланишнинг давом эттириб, маҳорат ва малака ҳосил қилишга интилиш ҳаммасидан муҳимроқдир.

Қиссадан ҳисса шуки, йигит умрининг охиригача шогирдлик бурчини бажарибди. Шу сабабли чин уста-кулол мартабасига етибди. Ҳа, бу ҳикоя замирида жуда кўп ҳикмат ва даъват бор. Инсон ижодини бошлар экан, аввало, устоз таълим-тарбиясини олмоғи зарур. «Устоз кўрмаган шогирд ҳар макомга йўғғалар», деган нақл бекорга айтилмаган.

УСТОЗ ЭТАГИНИ ТУТИБ...

Шаҳзодбек Ҳожимуродов асли наманганлик. Болалигидан санъатга меҳр қўйган ёш кулол бугунги кунда Республика дизайн коллежининг 3-босқич ўқувчиси. Шаҳзодбек бадиий кулолчилик йўналиши бўйича ўқишни давом эттириб, кулолчилик санъатига бўлган меҳри боис устози Аширмухаммад Мамасолиев кўл остида астойдил сабоқ олмоқда.

Ассосан сопол лаганларга композиция яратиш йўналишида ижод қилади. Унинг ижодида «Тасвирий ва амалий санъат» фестивали муҳим аҳамиятга эга. Унда Шерзодбек аъзо бўлган гуруҳ «Олтин дароҳт» номи билан «Олтин бешик» номи билан иштирок этишиб, ўзига хос асарларини намойиш этишди. Тадбир сўнгида гуруҳ аъзолари Бадиий академиянинг олтин медали соҳибига айланишди. Бундан руҳланган Шаҳзодбек эндиликда Конституция байрами арафасида ўтказилаётган «Устоз-шогирд» бадиий кўргазмасида қатнашиш учун тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбек оилаларидаги ота-она ибратни, фарзандлар қалбига синдириладиган ахлоқий, эстетик, маънавий тарбия, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби энг олий кадриятлар жисмонан баркамол, маънан етук авлодларни тарбиялашда асосий омилидир.

Айнан ана шу хусусиятга эга ёшларни келгусида ҳар томонлама ривожланган жамият барпо этишга қодир-дирлар.

Дўлановлар оиласида икки фарзанд камолга ета-япти. Синглиси Сарвиноз

ҳозирда Андижон тасвирий санъат лицейида таҳсил олмоқда. Отаси Музаффар Дўланов тадбиркор. Онаси Гулҳида Валиева уй бекаси. Уларнинг оиласи маҳалланинг обрўли хонадонларидан бири.

Ушбу кўргонда отанинг ўз ўрни бор. Оила фаровонлиги, фарзандлар тарбиясида масъуллиқ асосан хонадон устунлиги ҳисобланган отанинг зиммасида. Фарзандлар, айниқса, ўғли ундаги баркиренглик, мардлик, саховат, меҳнатсеварлик фазилатларини қадрлаган ҳолда падарни бузруковри каби танти, мард, ҳалол бўлиб вояга етишга ҳаракат қилаяпти. Бу жараёнда онанинг жигарбандларига берган иссиқ меҳри, қалб кўри муҳим ўрин тутати, албатта.

— Фарзандларимизнинг ўзлари севган касб-хунарга эгаси бўлишида ота-она ибратини муҳим аҳамият касб этади, — дейди Шаҳзодбекнинг отаси Музаффар ака. — Ота-она ўз фарзандининг касб-хунарга эгаллашида биринчи устоз саналади. Унга кўмакчи, энг яқин маслаҳатқўйи ҳам улар. Халқимизда «Бола бошидан, ниҳол ёшидан» деган нақл бежизга айтилмаган. Аслида, мамлакат тараққиёти, кулратининг нечоғлик эканини шу заминда ўсиб-улғайган маънан етук, жисмонан баркамол, салоҳиятли, билимдон фарзандлар намоён этади. Мен ҳам фарзандларимнинг келажақда юқори марраларга етишларини ниҳат қиламан.

Яқини ниҳат — ярим давлат. Отасининг дуосини олиб улғайётган Шаҳзодбек Ҳожимуродов ҳам Ватан олдидаги бурчини сидқидилдан адо этишга қодир йигитлар сафидан ўрин олишига ишончини қомил. Дуо билан эл кўради, деб бежиз айтишмаган ахир.

Феруза ЭРМАТОВА, Транспор, йўл ва капитал қурилиш, курилиш индустрияси ходимлари Нааманган вилояти бирлашган касабаси уюшма кўмитаси мутахассиси

Долзарб мавзу

Ривоятга кўра, қандай хусусиятга эга бўлиш қушларнинг ўз ихтиёрига қолдирилган экан. Бургут турдошлари орасида тенгсиз, кучли ва ўткир кўзли, булбул эса овози ёқимли ва майин, ўзи эса оддий кўринишда бўлишга қарор қилибди. Навбат товусга келибди. У энг чиройли, патлари майин ва камалақдек товлангани, думини ёйган вақт барча ҳанг-у манг бўлишини истабди. Аммо фақат ташқи кўриниши мукамал бўлишини хохлаб, қолган хусусиятларини эсдан чиқарганлиги боис овози жудаям хунук бўлиб қолибди. Шу-шу унинг хонишидан барча безор экан.

Қиссадан ҳисса шуки, бир ишни қилишдан аввал обдан ўйлаб, кейин унга қўл уриш лозим. Токи, бизнинг хатти-ҳаракатимиздан ўзгалар жаҳр чекмасин.

МАТОЛИ МАДАНИЯТ

Бир мавзунини тилга олишдан олдин унинг тарихи ва келиб чиқишини билиш ёки ўрганиш керак бўлади. Шунингдек, ўтмиш ва келажақни боғлаб турувчи кўприк эканлигимизни ҳам унутмаслигимиз даркор. Зеро, аждодларимиз яратган маданият, урф-одат ва кадриятларни келажақ авлодга ўз ҳолича етказмоқ барчамизнинг бурчимиз.

Замон, маданиятнинг ривожланиши бугун одамлар тили ва дили, балки ташқи кўринишига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Ейиш-ичишдан тортиб кийинишимизгача эътибор билан қарасак, ўзлик тушунчаси аҳамиятини йўқотаётгандек гўё...

Кишилиқ жамияти пайдо бўлган, табиий равишда кийимга бўлган эҳтиёж вужудга келди. Дастлаб ҳайвон териси, дароҳт пўстлоғи ва ўт-ўланлардан либос сифатида фойдаланилган бўлса, кейинчалик маданият деган тушунча шарофати ила ҳар бир миллат ва элларнинг ўз рамзалари ва шу аснода кийиниш услуби ҳам шаклланди. Биринчи эстетик дидга эга бўлган кийимлар қадимги Мисрда, сўнгра XIV-XV асрларда Фарбий Европада чизмачилиқ илмининг тараққий топиб, ҳозирга қадар мавжуд бўлган кийим андозалари барча турининг яратилишига асос бўлди. XVIII асрга келиб мураккаб бичимли тўр, бурма, бантиклар билан безатилган кийимлар кийила бошланди. XIX асрда ягона Европа кийимлари шаклланиши яқунланди. Уларни оммавий ишлаб чиқариш натижасида куйи қатламлар орасида ҳам янги услубдаги кийимлар кенг тарқалди.

Оқоридагилардан сўнг гап яна калта-култа, очиқ-сочиқ кийимлар ҳақида деб ўйлаётганимиз? Йўқ, бу галги мавзу ундан-да жиддий ва долзарброқ. Гап миллий менталитет, миллий маданият ва ахлоқий метаб-

лар ҳақида. Бугун ранг-барангликка ошно бўлиб, баъзи нарсаларни унутаятгандекмиз. Ҳуна-қуйда, атрофимизда яқинларимиз кийиб юрган ҳар қандай янги бичим ва услубдаги кийимга нисбатан берафқмиз ёки

ладиган деярли барча кийимларга фақат шу мамлакатнинг белги ва рамзлари тасвири туширилади, ўзга мамлакатники эмас! Европанинг яна бир жиҳатини таъкидлаб ўтиш керакки, улар ҳар қандай маҳсулотини бренд даражасига кўтаришга ва шу маҳсулотни орқали бошқа мамлакатларга ўз маданиятини синдиришга уринишлари.

Кимлардир шу кичик нарсаларга ҳам эътибор қаратиш шартми, деган савол туғилиши турган гап. Халқимизда бир мақол бор: «Тома-тома кўл бўлур». Бугун ўзга халқ маданияти «учқун»лари кириб келиши нисбатан эътиборсиз бўлсак, эртага улар ўз маданиятимизни ҳам сиқиб чиқариш даражасига бориб етиши мумкин. Зеро, ҳар биримизда миллий гуруҳ тушун-

часи дилимизда мустаҳкам, тилимизда баралла янграмоғи керак.

ДЕВОРНИНГ «ДИЙДИЛАРИ»

Тошкентга биринчи мартаба келган ўртоғим Абдуллоҳ билан шахар айландик. Кунимиз яқини ўтди. Аммо кечки овқатланиш чоғида у айтган бир фикр мени ўйга толдирди: «Тошкент чиройли шаҳар экан, менга жуда ёқди. Аммо унинг баъзи жойларига тушган «доғ»лари бу ерга биринчи бор ташриф буюрганлар учун аққол сезилиб қоларкан-да». Гап нима ҳақида эканлигини тушунолмай унга таъажубланиб қарадим. У гапидан давом этди: «Йўл четиди эълонларни айтаман-да. Шаҳар чиройли ва озода, аммо девор, дароҳт ва устунларга тартибсиз ёпиштириб кетилган эълонлар оқ матога тушган ёғдек, хунук ҳолатни юзага келтирган...».

Бугун шахар бўйлаб ҳаракатланаркансиз унинг жамоли, бунёд этилаётган иншоотлар ҳамда амалга оширилаётган ободлик ва кўкаламзорлаштириш ишларини кўриб кўзингиз

қувнайди. Лекин бироз вақтдан сўнг қурилган бино ва оқланган дароҳтлар яна доимидек «ёски ҳолати»га кира бошлайди. Нақшкор ва рангли деворлар эълонлар ва турли «арз»лар битилган қоғозлардан оҳорини йўқотди. Энди девор ва дароҳтлар чинакамига «эълонлар доскаси»га айланади. Ҳақиқатда, шахримизнинг бир қанча худудларида бу каби ҳолатларнинг ғувоҳи бўлишимиз мумкин. Сергели туманидаги «Спутник-1», «Спутник-2», «Спутник-3» даҳалари, Олмазор туманидаги «Қорақамиш-1/2», «Қорақамиш-2/4», «Университет» кўчаси ҳамда «Янгиобод» бозори атрофида «текин реклама»дан фойдаланиш авжига чиққан.

Бу қайсидир маънода кимдир нима сотиши, нима олиши ёки қаерда қандай иш бур-

ган ёшгина жувон эътиборимни тортиди. Юриш-туриши, кийинишидан тортиб соч турмагача ниҳоятда ўзига ярашқилик. Елкасида осилган кичик сумкачаси ва бир қўлида ичи тўлдирилган катта бир пакетни кўриб, бирор жойга меҳмондорчиликка кетаётган бўлса керак деб ўйладим. Аммо бироз юрган, катта йўлга яқинлашиб қолганида қўлидаги пакетни бир четга шундоқ қўйдим, бироз тараддулданиб, юришда давом этди. Таъажубландим? Аввалига, нарсангиз тушиб қолди, дея тўхтатмоқчи бўлдим. Лекин қолдириб кетилган нарсанга яқинлашган, фикримдан қайтдим: пакет чинқинди билан тўла эди... Бунни кўриб, шу заҳотиёқ фикрим ўзгарди: кўз ўнгимда ўзбек аёли сиймосида пайдо бўлган кимса наҳот шу бўлса?.. Унинг бу иши у ҳақидаги барча ижобий фикрларини бир зумда ювиб кетди.

Ҳар бир иш жамиятга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Айниқса, юқоридидаги каби ҳолатлардан киши ўзи билан бирга атрофидиларга ҳам зарар келтириши турган гап. Йўл, йўлаклар, умуман, жамоат жойларини барпо қилиш ва тартибга солиш учун қанча кишининг меҳнати сарф бўлишини бир ўйлаб кўринг-а?! Кўчаларимизнинг «темир тўчоқ»лари билан тўлагичи қувонарли ҳол. Шунингдек, автоуловлар узогимизни яқин қилишда асосий восита ҳисобланади. Аммо ундан ҳар ким хоҳлаганча фойдаланиши керак дегани эмас. Кўп ҳолларда бекаҳт қаршига тўхтаган автобусни кузатганимизда, ундан тушаётганларнинг йўл чипталарини чинқинди қўтиларига эмас, балки дуч келган жойга улқитиришни кузатамиз. Зеро, бекаҳтин ҳар икки томонида чинқинди қўтилари бўлиши барчамизга маълум.

Албатта, ҳар бир нарсанинг жамиятдаги ўрни ва бажарадиган вазифаси бор. Йўл четлари, аҳоли қатнов жойларига деярли ҳар қадамда чинқинди ва ортиқча нарсалар ташлаш учун махсус қўтилар урнатилган бўлишига қарамай, ён-атроф чинқиндига тўлиб кетаётганлиги нима дейиш мумкин? Бундай кусурли ҳолатларга тез-тез дуч келамиз. Бу эса инфекцияларнинг тарқалиши ва турли хил касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Лоқайдлик жамиятни ботқоққа ботиради. Кечани бугундан, бугунни эса эртадан узилиб қолишга олиб келади. Шундай экан, ҳуқуқ тарихий илдизга эга бўлган гўзал ва бекаҳтор она заманимизнинг қадрига етиш, унинг гўзаллигини асраб-авайлаш ва ҳар бир қарич ери учун барчамиз бирдек маъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим!

Сулаймон ҲАЙДАРОВ, «Ishonch» муҳбири

ОҚ ДОҒЛАР



лигидан аҳолини хабардор қилиш учун бепул ва самарали усул бўлиши мумкин. Аммо бу ҳолат қувруччи ва шу ҳудудга масъулларнинг меҳнатини оёқости қилиш эвазига бўлмаслиги керак-да. Эндиликда йўл ёқаларига махсус эълон доскаларининг ўрнатилаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Лекин бу каби ишлар ҳам ҳали-ҳамон ўзини тўлагичча оқлагани йўқ. Негаки, эълон учун махсус жойлар қилиб, унинг ён-верига қоғоз илишлар ҳамон тўхтамаёпти.

ЧИКИНДИ ҚУТИЛАРИ «ОЧ» ҚОЛМОҚДА

Одатдагидек эрталда ишга отландим. Тонг ҳавоси ва кўчаларга сепилган сувдан тупроқ ҳиди анқиб, димокқа урилади. Ён кўчадан чиқиб, 10-15 метр олдинда кетаёт-

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Болалар спорти

Одилбой Абдубаннобжонев 1-синфда ўқийди. Унинг бобоси Абдубанноб Қосимов фермер хўжалиги раҳбари. Бундан икки йил аввал у Қўштепа туманидаги Уқчи қишлоғида кўркам спорт комплекси қурилишида ташаббус кўрсатган эди. Учил-қизлар дарсдан бўш вақтларини шу масканда мазмунли ўтказадиган бўлишди. Одилбой ҳам бобосининг кўмаги билан спортнинг таэквондо турига фаол қатнаша бошлади.



ЕТТИ ЁШЛИ ЧЕМПИОН

Ҳозирда у Фаргона вилоятидаги аънъанавий таэквондо Федерацияси тасарруфидоги тўғарақда мураббийлар Руслан Аржимиров, Ботиржон Баходировлардан маҳорат сирларини ўрганиб борапти. Спортга меҳр Одилбойга катта ютуқлар келтирди. Йил бошида вилоят биринчилигида 2-, Андижонда ўтказилган водий очик чемпионатида фахрли 1-ўринни эгаллаб, диплом ва медаллар билан тақдирланди.

Бугина эмас. Тошкентда болалар ва катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида вилоят таеквондочилар терма жамоаси 1-ўринга сазовор бўлди. Жамоанинг бу ютуғида Одилбойнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У ўз вазн тоифасида тенгдошларидан устулигини намоян қилиб, юқори ўринни забт этди.

Жорий йилнинг июл ойида Қозон шаҳрида бўлиб ўтган болалар, ўсмирлар ва катталар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида 23 кг. вазн тоифасида гилмага чиққан кўшталек Одилбой Абдубаннобжонев муҳлису мутахассислар эътиборини тортди.

— Набирам ҳозир чавандозликни ҳам ўрганапти. Уни спортчи болалар сафида кўраётганимдан гуруланаман, — деди ёш чемпионнинг бобоси Абдубанноб Қосимов. — Мамлакатимизда болаларнинг спорт билан шуғуланишлари учун барча имкониятлар етарли. Бундай оидин йўлдан Одилбой каби қобилиятли, жисмонан соғлом болаларнинг дадил қадам ташлаб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Бу йил мактаб остонасига қадам қўйган Одилбой ўқишда ҳам тенгдошларига ўнрақ бўлиш ниятида. Интилганга толе ёр эканлигига унинг ишончи комил.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ

Бугуннинг гапи

Фарзандимизни асрайлик...

Сарвар мактабда аъло баҳоларга ўқир, уй вазибаларини қолдирмасдан бажарар, реферат ёзиш учун китобдан бошини кўтармасди. Дустилари эса унинг устидан қулишар, «Интернетда тайёри бор-ку, кўчириб келавсанг бўлмайди, нима қилсан ўзингни қийнаб», дейишарди. Оғайниларининг қистови билан у ҳам навбатдаги ёзма ишни интернет тармоғидан кўчириб олди. Қизиқishi орди. Шу тариха ўғримчак тўри ўсмири ўзига тобе қилди.

Энди у дарс тайёрлаш ўрнига уззу кун ижтимоий тармоқларда ўтирар, турли сайтлардан беҳаё суратларни кўчириб олар, уларга қараб алланамаларни гўлдиради. Кўп ўтмай меҳрибон ва дилкаш, интилувчан ўсмир жиззаки, дангаса ва бетгачонарга айланди. Ташвишга тушган отаси унга телефондан фойдаланишни қатъиян тақиқлади. Аммо бу Сарварга қор қилмади. Оғайнилари билан бирининг телефонини уйдагалардан яширинча сотиб олди. Пулни тўлаш учун эса... отасининг чўнтагига тушди.

Кунлардан бир кун йўлда телефон орқали ижтимоий тармоқдаги нотаниш дўсти билан хат ёзишиб бораётган Сарварни машина уриб кетди. Худо асраб, омон қолди. Аммо узок мўддат шифохонада ётишига тўғри келди. Синган оёғи гипсланди. Ана шундангина у хато қилгани ва бу ўзига қимматга тушганини англади. Яна қўлига китоб олди. Сарвар-ку хатоларини англаб етди. Аммо, ҳали ҳам сохта дунё асирига айланб қолган ёшлар оранизда озмунчами ахир!

Информатика фанидан сабоқ бер-

ганим боис, ёшларга ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш ҳақида кўп ўқтираман. Айниқса, интернет тизимига кирганда оғоҳ ва хушёр бўлиш лозимлигини тақрор ва тақрор таъкидлайман. Гоҳида дарс пайтида ўқувчиларнинг уяли алоқа воситаларида фойдаланиб ўтирганини кўриб танбех бераман, баъзан телефонини олиб қўйиб ота-онанинча қақиртираман. Айрим ота-оналар жон куйдиришнинг тўғри тушуниб, қўлаб-қувватлайди. Баъзилари эса телефон шахсий мулк, сизнинг уни олиб қўйишга ҳақингиз йўқ, қабилида қўпол муомала қилишди. Тинмасдан интернет тармоғига кириш ҳам маънавий, ҳам моддий зарар етказишнинг тушунтиришга уринаман. Чунки, баъзи бировларнинг «Рақамимга чекагина 5 минг сўм тўлаганим, бу компаниялар тоза фирибар-да», деган норози оҳангидоги гапларини кўп

эшитганмиз. Ушбу маблағ нега бунчалик тез сарфланганини таҳлил қилиб кўрсангиз, мижоз интернет тизимидан мейёрдан ортиқ фойдалангани аён бўлади. Хар кун икки минг, уч минг сўм тўлаб, телефон ишлатишга ўқувчининг қурби етасими? Бу оила иқтисодига зарар эмасми? Ўсмирнинг асаблари салбий таъсирдан зарарланмаётгани, унинг турли оқимларга қўшилиб кетаётгани, тарбияси бузилиб, энгил ҳаёт кўчасига кириб қолаётгани-чи?

Аваллаамбор, хар бир ота-она фарзандининг хатти-ҳаракатини кузатиши, эринмасдан панд-насихат қилиши лозим. Қолаверса, дарсдан кейинги вақтларни шундай тақсимлаш керакки, ўқувчининг бекорчи вақти қолмасин. Тўғарақларга жалб қилса, хунар эгаллайди, спорт машғулотларида иштирок этиш орқали жисмонан тобландади, дунёқараши юксалади. Ана шунда улар биз хоҳлаганимиздек, билимли, доно, эл-юртга нафи тегадиган, ота-онаси, яқинларини қадрлайдиган инсон бўлиб камолга етади.

Дилфуза ҲАСАНОВА, Урганч тиббиёт коллежи ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

2016 йил 29 декабр кўни соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ф.Ҳўжаев кўчаси, Тадбиркорлар Маркази биносидо очик аукцион комиссияси иштирокида мўлқнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибидо ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйиладиган автотранспорт воситаси қўйиладиган:

1. Сурхондарё вилояти Архитектурасига тегишли бўлган 2008 йилда ишлаб чиқарилган 75,798 ОАА давлат рақами «Нексия ДОНС» русумли техник таъмирлаб ҳолдаги автотранспортнинг бошланғич баҳоси — 20 140 013 сўм.
Автотранспорт воситалари билан Сурхондарё вилояти Архитектураси вакили иштирокида бево-сито хойига чиқиб танишиш мумкин.
Юқоридаги мўлқ 2016 йил 29 декабр кўни аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақрорий аукцион савдоси 2017 йил 13 январь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қила-миз.
Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.
Аукцион савдосига қатнашиш учун харидорлар зақалат пули тўғрисида келишуни имзолаб, зақалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларини қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.
Талабдорлар «Зақалат пули тўғрисидаги келишу-ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъулия-ти чекланган жамиятининг «НАМКОРБАНК» АТБ Термиз филиали МФО: 01001, ИНН: 303477661, X/P: 20208000100512709001 ҳисоб рақамига тўлаш-хаси, зақалат пули тўланганини ҳақида тўлов ҳуж-жати, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартиб-да расмийлаштирилган ишончнома.
Қўшимча маълумотлар олиш манзил: Тер-миз шаҳри, Файзулла Ҳўжаев кўчаси, Тадбир-корлар маркази биноси, 2-қават, 1-хона. Телефон: (998 94) 201-04-04.
Хизматлар лицензияланган.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ
2016 йил ноябр ойида ўтказилган очик аукцион савдоси натижасини маълум қилади!
АТ Халқ банки, Тошкент шаҳар Яшнобод филиалига тегишли Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган умумий майдони 74,0 кв.м бўлган 5 қаватли бино 1-қаватининг бир қисми, бошланғич баҳоси — 207 782 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 310 000 000 сўм.
Хизматлар лицензияланган. RR-№0008.

«Respublika mulk markazi» AJ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидо ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлимф этади!

Савдога, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказига тегишли, Тошкент шаҳар, Юнусовба тумани, Чинобод 8-уйида соқланмаётган «УАЗ 3362» русумли, д/р 01/9821ВА бўлган 1990 йилда и/ч бошлан-ғич баҳоси — 6 220 000 сўм, «УАЗ 2206» русумли, д/р 01/4621ВА бўлган 1999 йилда и/ч бошлан-ғич баҳоси — 6 980 000 сўм, «УАЗ 452» русумли д/р 01/297АСА бўлган 1983 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 4 500 000 сўм, «УАЗ 2206» русумли д/р 01/1281ВА бўлган 1989 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 6 150 000 сўм, «Газ 5204» русумли д/р 01 113 LBA бўлган 1984 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 4 955 000 сўм, «Газ 52» русумли д/р 01 376 АСА бўлган 1977 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 4 860 000 сўм, «УАЗ 452» русумли д/р 01/118 LBA бўлган 1985 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 4 775 000 сўм, «Газ 66» русумли д/р 01 114 LBA бўлган 1989 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 5 670 000 сўм, «Газ 66» русумли д/р 01 115 LBA бўлган 1990 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 5 740 000 сўм, «Трактор Т-40» русумли д/р 04-76 НТ бўлган 1985 йилда и/ч бошланғич баҳоси — 3 260 000 сўм, бўлган техник носоз ҳолдаги автотранспорт воситалари тақроран қўйиладиган.
Аукцион савдолари 2016 йил 16 декабр соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мўддати: 2016 йил 14 декабр соат 18:00. Талабдорлар мўлқ бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини АЙКБ «Ипак йўли банки» Савбон филиалигаги ҳисоб-рақамга: 2021000300571452142, ИФО: 01036, СТИР: 200933850 тўлашлари шарт. Савдо голи-бига 10 кун ичида сотушни билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юкла-тилади. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темурут шўқ кўчаси, 19-уй. Тел: 233-28-52. Расмий сайт: www.mtm.uz. Гўвонома: 001580.
Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Мирзо Улуғбек тумани бўлимаси томонидан Коллахова Нина Сергеевна номига Мирзо Улуғбек тумани Марказ-1 42 уй, 36 хонадон учун берилган кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Фойдали ихтиро
Google'нинг DeepMind бўлимаси мутахассислари лаблар ҳаракати қараб сўзларни англай оладиган янги дастурий таъминоти яратди. Бу ҳақда The Verge маълум қилмоқда. Янги дастур Watch, Listen, Attend and Spell деб номланди.

Дастурий таъминот унга ўхшаш дастурлар орасида аниқлик даражаси энг юқори — 46,8 фоиз эканлиги билан фарқланади. Таққослаш учун мутахассислар тажриба ўтказди ва профессионаллар лаблар ҳаракати бўйича нутқнинг 12 фоизини англай олишга қодир эканлигини аниқлади. Дастур яратувчилари у эшитиш билан боғлиқ муаммага эга одамлар учун фойдали бўлиши мумкинлигини тахмин қилмоқда.

Қуёш батареяли йўл
Франциянинг Bouygues холдинги бўлимаси Wattway 18 гилдиракли юк машинасининг вазини кўтара олувчи қуёш батареялари панелини ишлаб чиқарди, деб хабар бермоқда Bloomberg. Улар йўл қопламаси сифатида ўрнатилмоқда. Беш йиллик тадқиқот ва лаборатория синовларидан сўнг компания 100 та очик синов полигонини қуриб, технологияни 2018 йилда сотувга чиқармоқчи.

Wattway панелларнинг чидам-лиги учун бир неча турдаги пластмассадан фойдаланмоқда. Электр симлар тармоғи йўлга жойлаштирилади. Конструкциянинг юқори қисми эса майдаланган ойнадан яратилиб, бу сирганининг олдини олади. Бир километрлик синов полигони октябр ойида Франциянинг Турувр шаҳрида қурила бошланди. 2,8 минг квадрат метр қуёш панеллари 280 киловатт-соятни юзага келтиради. Айна дамда йўл қопламасининг бир квадрат метрини қуриш учун 2-2,5 минг евро сарфланмоқда. Wattway оддий қуёшли панелларни ишлаб чиқарувчилар билан рақобатлашиш мақсадидо 2020 йилга қадар нархларни арзонлаштиришга ҳаракат қилади.

Энг тезкор камера
Канаданин Kron Technologies стартапи Chronos 1.4 камерасини намойиш қилди. Бу камера сониясига рекорд даража — 21,6 минг сурат олади. Лойиҳани ишлаб чиқариш учун Kickstarter сайтида 5 соат давомидо зарур маблағ йиғиб олинди.

Стартапчилар 65 минг Канада доллари йиғишлари керак бўлган. Бироқ айни вақтга келиб 257 минг доллар инвестиция қилинган. Камера илк инвесторларига 3489 Канада долларига (2500 АҚШ доллари) тушди. Катта суратга олиш тезлигига эга профессионал камерага нисбатан Chronos 1.4 анчагина арзонроқ туради.

Янги камера сониясига 1500 тагача кадрга эга тезликда HD-видео суратга олади, унинг максимал тезлиги эса минимал курсаткичларда сониясига 21,6 минг кадргага етади. Камеранинг суратга олиш имконияти сониясига 1,4 гигапикселни ташкил қилади. Суратга олиш қобилияти 1280x1024 нуктага тенг. Ишлаб чиқарувчиларнинг айтишича, суратга олишнинг юқори тезлиги сабабли камера хотираси тезда тўлиб қолади. Шу сабабли камерада етарлича хотира бўлишига эътибор қаратиш керак, чунки 4 сониялик видео 8 ГБ ҳажмга тўғри келади.

Камера 5-двоймли, 840Х480 нукта курсатиш қобилиятига эга экран билан таъминланган. Қурилма корпуси алюминийдан тайёрланган. Портлар танлови катта, шунинг учун бир-бири билан мос келмаслик борасида муаммолар бўлмайди.

Интернет материаллари асосида А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сўв хўжалиги вазирилиги ҳамда вазирилқ бирлашган қасаба уюшма қўмитаси жамоалари Кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси бошлигининг ўринбосари — Кадрлар сектори бошлиғи Жаҳонғир Ҳайдарова волидаи мухтарамаси

Лола ҲАЙДAROVANING вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сўв хўжалиги вазирилиги ҳамда вазирилқ бирлашган қасаба уюшма қўмитаси жамоалари Сув хўжалиги комплексининг маблағ таъминлашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Акмал Мирзаева волидаи мухтарамаси

Хуррам аз МИРЗАЕВANING вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
1000 000-0000
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev
Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanariyev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshhev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'l-onlar — 256-87-73

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: xatar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shonba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatlisi gazeta nomi ko'rsatilishi short. Mualliflar fikri ta'hiyotni nuqtayi nazardan qaralinishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbachi muharrir:
A.Qodirova
Navbachi:
D.Oripov
Musahhirlar:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Shear» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiда chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Tarun ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teritil va sahifalandi».
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma f — 1115. 13695 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Basoshga topshirish vaqti — 21:00
Topshirildi — 21:10
1 2 4 5 6

Табририят узусо рақамла: 2021 0000 0004 3052 7001, АТББ «Ипотека Банк» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100